

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 42 (1641), 2026 йил 3 март, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ – ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИДА МУҲИМ БЎҒИН



Бугунги кунда таълим сифатини ошириш ва бу орқали ёшларимизни билимли, эртанги кунга масъул ва дахлдор инсонлар қилиб камолга етказиш энг устувор вазифалардан. Шу маънода, соҳага доир қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муҳим вазифаларни амалга оширишда барча бўғиндаги раҳбарлардан катта масъулият ва жавобгарлик талаб этилади.

Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатномасида истеъдодли ўғил-қизларимиз таълим, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришадиган катта ютуқлари билан янги Ўзбекистонимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидлангани таълим соҳасига ишонч ва масъулиятни белгилаб берди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ижро интизоми масаласига алоҳида тўхталиб, таълим, спорт ва касб-хунар соҳасини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар янги босқичга кўтарилаётгани, бундай шароитда давлат бошқарувида натижадорлик ва масъулиятни кучайтириш устувор вазифа эканини таъкидлади.

► Давоми 3-бетда



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ТАЯНЧИ

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига бу галги ташрифи стратегик аҳамиятга эга бўлди. Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг боришини кўздан кечириш баробарида вилоятнинг келгуси ўн йилликдаги қиёфасини белгиллаб берувчи янги тараққиёт парадигмасини эълон қилди.

Сурхон воҳаси бугун Ўзбекистоннинг шунчаки жанубий вилояти эмас, балки Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи геоиқтисодий кўприги, мамлакат индустриал қувватининг янги драйвери ва ижтимоий ислохотларнинг лабораторияси мақомига кўтарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Сурхон воҳасини ривожлантириш бу — янги Ўзбекистоннинг жанубий таянч устунини мустаҳкамлаш демекдир. Мазкур ибора давлатнинг миллий хавфсизлик, иқтисодий барқарорлик ва минтақавий ҳамкорлик соҳасидаги устувор йўналишларини ифода этувчи жиҳат ҳисобланади.

Сўнгги йилларда вилоятнинг ривожланиш динамикаси иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан сифат ўзгаришига юз тутаяётганини кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳудуднинг сановатлаштириш даражаси бўйича ҳам салмоқли ўсish кузатишмоқда. Айниқса, сановатнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши сўнгги тўққиз йилда беш баравар ошиб, 10 фоизга етгани воҳанинг аграр ўлкадан индустриал ҳудудга айланаётганидан далolat беради.

Воҳада камбағаллик даражаси 4,5 фоизга тушган. Жорий йилда бу кўрсаткични 2,8 фоизгача пасайтириш режалаштирилган. Шунингдек, ишсизлик даражасини бугунги 5,2 фоиздан йил якунигача 4,5 фоизга тушириш кўзда тутилган. Бу рақамлар Ўзбекистонда қўлланаётган маҳаллабай ишлаш тизими ва манзилли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг юқори самарадорлигини исботлайди.

Президентимизнинг ташрифи давомида Термиз шаҳри, Ангор, Денов, Жаркўрғон каби туманларни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижтимоий давлат тамойилларининг амалий ифодасидир.

Ташриф доирасида сановат ва геология соҳаси танқидий таҳлил қилинди. Давлатимиз раҳбари вилоятда 100 миллион тонна кўмир захираси мавжуд бўлса-да, атиги 1 фоизи қазиб олинаётганини ресурсдан ноқиллона фойдаланиш сифатида баҳолади. Шу муносабат билан 2026 йилда Бойсундаги Санжар ва Олтинсойдаги Оксус, Фангар конларида кўмир қазиб олиш ишларини жалдлатиш бўйича топшириқлар берди.

► Давоми 2-бетда

ТАДБИРКОР АМУДАРЁ ТУМАНИДА ТИББИЁТ МУАССАСАСИ ҚУРИБ БЕРДИ



Саломатлик — эл бойлиги

Авваллари Амударё туманидаги Уйшин маҳалласи аҳли тиббий ёрдам олиш учун Қипчоқ шаҳарчасидаги 1-оилавий поликлиникага боришга мажбур эди. Аммо ушбу поликлиника маҳалладан 8-9 километр узоқда жойлашгани сабабли кексалар, ногиронлиги бўлган фуқаролар ва ёш болали аёллар учун ноқулайлик туғдирарди. Ўрни бу ҳолат қишнинг совуқ, изгиринли кунлари ёки ёзнинг жазирама иссиғида транспорт топиш, поликлиникага тезроқ етиб бориш каби муаммоларни келтириб чиқарарди.

Бугун юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Бу борада давлат билан бир қаторда саховатпеша тадбиркорлар-



нинг ижтимоий масъулиятни ҳис этиб, халқ манфаати йўлида қилаётган эзгу ишлари эътирофга лойиқ. Шундай қилиб очик ишбилармонлардан бири Амударё тумани Уйшин маҳалласида замонавий оилавий шифокорлик пунктини ташкил этиш ташаббусини билдирди.

Аҳолининг тиббий хизматдан имкон қадар тез ва сифатли фойдалана олиш

борасидаги эҳтиёжлари инобатга олиниб, бу ташаббус қўллаб-қувватланди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мазкур маҳаллада янги тиббий пункт қуриш лойиҳаси тасдиқланди. Натижа узоқ куттирмади. Қисқа муддатда барча замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган тиббий муассасаси барпо этилди.

► Давоми 5-бетда



Инсон қадри учун

РЕИМБУРСАЦИЯ ДАСТУРИ

ёхуд бепул дорилар кимларга ажратилади?

Ҳар бир фуқаронинг асосий ҳуқуқларидан бири соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишдир. Оилавий бюджет учун оғирлик қилмайдиган, сифатли ва текин тиббий хизматларни таъминлаш мақсадида юртимизда давлат тиббий сугуртаси босқичма-босқич жорий қилинмоқда.

Аҳолини касаллик ва юқори тиббий харажатлардан молиявий жиҳатдан ҳимоя қиладиган ва кафолатланган тиббий хизматни кўзда тутувчи бу тизим давлат 2021 йилда Сирдарё вилоятида йўлга қўйилган эди. Президентимизнинг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур тизимни янада кенг ёйишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Қарор билан аҳолига кўрсатилаётган тиббий

хизматлар сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда давлат тиббий сугуртаси механизмларини бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилиш вазифалари белгиланди. Шу йил охиригача юртимизнинг барча ҳудудда бу тизим йўлга қўйилади. Натижада аҳолининг барча қатлами кафолатланган тиббий ёрдам ҳажми билан тўлиқ қамраб олинади.

► Давоми 5-бетда



Рамазон — меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик оқи

Хайр-саховат ва эзгулик айёми

Юртимиздаги ислохотлар, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган дастурлар ва ижтимоий ҳимоя механизмлари Рамазон ойининг маънавий руҳи билан уйғунлашиб, уни халқимиз қалбига янада яқин ва мўътабар айёмга айлантирмоқда. Бу ойда эҳтиёжмандларга кўмак бериш, кексалар ҳолидан хабар олиш, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш каби хайрли ишлар кенг қўлоқ ёймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 17 февралдаги “Муборак Рамазон ойда эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қароридан шу ойни миллий анъана ва қадриятларимизга мос, юксак маънавий руҳда ўтказиш, аҳоли-

нинг эҳтиёжманд қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саховат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган.

► Давоми 2-бетда



Фан ва амалиёт

Қишлоқ хўжалигида инновацион мактаб иш бошлади

Ўтган йили 10 декабрь куни давлатимиз раҳбари аграр тармоқ вакиллари билан мулоқот ўтказган ҳамда соҳа ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган, пахтачилик ва галлачиликда самарадорликни оширишга бағишланган йилгилишда Мирзачўл ҳудудидаги илғор тажриба эътироф этилган эди. Зотан, 2025 йили мизачўлликлар чўл шароитида ҳам пахтадан юқори ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботлаб, гектардан ўртача 50-55 центнердан хирмон кўтаргани.

► Давоми 4-бетда

2026 йил 3 март, 42-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ТАЯНЧИ



Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Бу йўналишда Жанубий Африканинг “Soso” компанияси билан кўмирдан полипропилен, полиэтилен ва каучук ишлаб чиқариш бўйича эришилган келишувлар вилоят учун технологик “сакраш” бўлиши кутилмоқда. Ушбу келишув Сурхондарё энди фақат кўмир етказиб берувчи эмас, балки мураккаб кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи юқори технологик марказга айланиши аниқлаштирилди. Хитойлик инвесторларнинг Сарбосидеги қонларга 1 миллиард доллар сармоя киритишга тайёриги эса ҳудуднинг халқаро капитал учун нақадар жозибадор эканини кўрсатади.

Кулай иқлим шароити Сурхондарёни қишлоқ хўжалигида минтақавий етакчига айлантириш имконини беради. Президентимиз ташрифи доирасида Термиз туманидаги “Томорқа мактаби” фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Бу ерда бир йилда 3-4 марта ҳосил олиш, илмий асосланган деҳқончилик ва янги экзотик экинлар (папайя, банан, розмарин)ни маҳаллийлаштириш бўйича тизимли ишлар бошланган. Худди Термиз туманидаги каби Ангор, Узун, Денов туманларида “Томорқа мактаблари”ни



ташкил қилиш, уларда йилга 10 минг кишини ўқитиш топшириги берилди. Умуман, Термиз тумани тажрибаси асосида ҳар бир вилоятда 2 тадан “Инновацион томорқа мактаби” ишга туширилади. Бу тизимдан асосий мақсад — аҳолининг томорқадан оладиган даромадини 10-15 миллион сўмгача етказиш ва шу орқали қишлоқ жойларда камбағалликни минимал даражага тушириш.

Сурхондарёда ичимлик сув муаммоси яқин-яқингача энг оғриқли масала бўлиб келган. Президентимизнинг “Тўпалам” сув омборидан фойдаланиш ҳисобига ичимлик сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси натижалари билан танишуви ушбу муаммага ечим топилганини кўрсатди. Қиймати 287 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳа ишга туширилиши натижасида 563 минг киши тоза ичимлик сув билан таъминланди. Техник жиҳатдан ушбу лойиҳанинг ноёблиги шундаки, сув 246 километрни магистрал тармоқ орқали ҳеч қандай насоссиз, фақат гидравлик босим асосида ҳудудларга етказиб берилмоқда. Бу эса йилга 18,4 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаш ва таннархни кескин пасайтириш имконини беради. Мазкур лойиҳа нафақат иқтисодий, балки улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг ҳаёти сифатини оширишда кескин бурилиш ясади.

Жаркўрғон туманидаги “Янги Ўзбекистон” массиви Президентимизнинг ҳудудларни комплекс ривожлантиришга доир концепциясининг амалий намунаси бўлди. Бундай массивларнинг барпо этилиши вилоятда урбанизация даражасини 36,2 фоиз оширди. Бу аҳолининг турмуш тарзи ўзгараётгани, замонавий хизматлар кўрсатиш соҳаси ривожланаётгани ва қишлоқ жойларда шаҳарча типидagi инфратузилма шаклланиётганини белгисидир.

Яна бир муҳим масала транспорт инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ. Юртимизни Афғонистон ва Тожикистон билан боғлайдиган 178 километрни магистрал йўл 30 йилдан буён капитал таъмирланмаган. Президентимиз топшириғига биноан бу йўлни таъмирлаш ишлари уч ой ичида бошланади.

Темир йўл соҳасидаги янгиланишлар ҳам эътиборга молик. Хусусан, “Тошгузар — Бойсун — Қумкўрғон” йўналишини тезурур поездларга мослаш. “Қумкўрғон — Қудуқли” темир йўлини электрлаштириш, Жанубий Кореядан янги замонавий тезурур поездларнинг олиб келиниши аҳолининг оғирини енгилаштириш билан бирга воҳанинг туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Муносабат

ТАШРИФ ИЛМ ВА ИМКONIЯТГА ЯНАДА КЕНГ ЙЎЛ ОЧДИ

Президентимиз доимо Сурхондарё вилоятига ташрифни кўхна Жайхун ёқасидаги қадим ва навқирон Ҳаким Термизий мажмуаси зиёратидан бошлади.



Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари

Бу манзил эски Термиз археологик ёдгорликлари ҳудудда бўлиб, минг йиллар аввал аҳоли маскани сифатида пайдо бўлган. Милоднинг 1219-1220 йилларидаги Чингизхон босқинига қадар гуллаб-яшнаган шаҳар бўлган. Шаҳардан жуда кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Хусусан, ўнлаб термизийлар ҳам шу жойда туғилиб, қамолга етган ва жаҳон илму фанига ҳисса қўшган.

Давлатимиз раҳбари “Сурхондарё нафақат табиати гўзал замин, балки руҳи бақувват, ғайрати баян, орияти мустақам инсонлар юртидир. Сурхонни ривожлантириш янги Ўзбекистоннинг жанубий таянчи устунини мустақамлаш демакдир”, деди. Бунда ҳам бир олам маъно мужассам. Айтиш кераки, айниқса, сўнгги йилларда ҳудудда олиб борилган илмий бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар, халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилган дастурлар ҳам бир сурхондарёлик учун юксак фахр ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган йилларда вилоятда илмий ислохотлар самараси натижасида мактабгача таълим ташкилотлари қамрови, янгидан қуриб фойдаланишга топширилган мактаблар, янги турар жойлар, ичимлик сув таъминоти,

ҳудудлар инфратузилмаси янада яхшилашга эришилди.

Ҳар бир иш ва лойиҳага илмий асосланган ёндашувлар билан қаралмоқда. Ҳаким Термизий мажмуаси ҳам маънавият ва маърифат аҳли, умуман, барча учун илм, Термиз туманидаги томорқа мактаби ҳам илм, ичимлик сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси ҳам илм. Жаркўрғон туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида яратилаётган шароитлар ҳам аввал воҳада мавжуд бўлмаган илмий асослар воситасида бунёд бўлган, Сурхондарёдаги ҳарбий қисмлардан бирида ҳаво ҳужумидан муҳофаа воситалари билан танишиши жараёнидаги воқеликлар ҳам илм, инновацион таълим ва робототехника тўғрисида фаолияти, қад ростилаган гўзал этношаҳарча, буларнинг барчасида илм, имкониятлар бош асосдир.

Воҳада сўнгги тўққиз йилда богча қамрови 28 фойдан 68 фойга ошди, 23 та янги мактаб қурилди, яна 448 таси таъмирланди.

— Жаркўрғон туманида қурилган “Янги Ўзбекистон” массиви илгари ёнтоқ ўсиб ётган қаровсиз ер эди. Бугун замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида гўзал турар жой бинолари қад ростламоқда, — дейди маҳалла раиси Элмурод Алланазаров. — Ҳозиргача поликлинкча, 180 ўринли богча, 330 ўринли мактаб ва маҳалла биноси фойдаланишга топширилиб, 68 та уйдаги 1,5 мингта хонадонга аҳоли кўчиб кирди. Шунингдек, ахборот технологиялари ва инглиз тили ўқув маркази иш бошлаган, 7 та микромарказ ҳамда 5 та савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш объекти қурилди.

Сурхондарё азалдан кураги ерга тегмайдиган алп ўғлонлар юрти. Айни пайтда вилоятда 8 мингдан ортиқ ёш кураш билан доимий шугулланмоқда.

— Президентимизнинг жорий йилда Деновдаги “Замондош” оромгоҳи негизда курашчилар учун замонавий ўқув-машулот базасини қуриб бериш бўйича топшириқ бергани барчамизни хурсанд қилди, — дейди меҳнат фаҳрийси Нурали полвон Мамасоатов. — Бойсундаги мактаб-интернатда янги ўқув йилидан манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган йилларда вилоятда илмий ислохотлар самараси натижасида мактабгача таълим ташкилотлари қамрови, янгидан қуриб фойдаланишга топширилган мактаблар, янги турар жойлар, ичимлик сув таъминоти,

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи келгусида ҳам бир сурхондарёлик учун янада катта имкониятлар эшигини очиб беришига шубҳа йўқ.

АНГОРДАН ЛЮКСЕМБУРГГА



Шерзод АЛИМОВ, Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги “Zamin Angor Cluster” МЧЖ таъсисчиси

Бизнинг “Zamin Angor Cluster” МЧЖ Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида жойлашган бўлиб, ҳудуддаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган етакчи кластерлардан бири саналади. Компаниямиз, асосан, пахта ва ғалла етиштириш, интенсив боғдорчилик, маҳсулотларни қайта ишлаш ва логистика, иссиқхоначилик билан шугулланади. Ҳозир 9 минг гектардан ортиқ майдонда маҳсулот етиштирямиз. Қишлоқ хўжалигида бугунги кун учун долзарб саналган томчилик сўғориш технологияларини қўллаб келамиз.

Фаолиятимиз 2017 йилдан сўнг бошланган. Давлатимиз раҳбари ташаббус билан жойларда экин экишдан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча жараёни қамраб оладиган кластер тизими яратилди.

Шундан сўнг биз ҳам имкониятлардан руҳланиб, Ангор туманида кластер ташкил этидик. Кластеримиз пахтадан тортиб, мева ва сабзавотларгача бўлган ҳамма нарса-ни етиштирилади, маҳсулотларни саралайди ва қайта ишлайди, айни пайтда замонавий логистика билан ҳам шугулланади. Шунингдек, туркиялик ҳамкорлар билан интенсив боғ яратганмиз.

2025 йилнинг сентябрь ойида корхонамизнинг уч йиллик фаолиятини халқаро аудитдан ўтказиш жараёнида тажриба ва синов ҳамда янги коридор сифатида Европада, Люксембург қимматли қоғозлар биржасида евробонд, яъни қимматли қоғозларни савдога чиқардик. Дастлаб 1 миллионлик евробонд сотилди. Бунинг ортидан корхонамиз янги молиявий манбага эга бўлди.

Энди 40 миллион евролик евробонд савдога чиқаришни режалаштирямиз. Бу қимматли қоғозларни Москва шаҳридаги қимматли қоғозлар биржасида савдога чиқарамиз.

Президентимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилишига бунёдкорлик ишлари, йрик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 26-27 февраль кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.

Термиз туманидаги томорқа мактабида қишлоқ хўжалиги фидойилари, тадбиркорлар ва соҳа масъуллари иштирокида бўлиб ўтган тақдиримиз давомида давлатимиз раҳбари иш жараёни, фаолиятимиз билан қизиқди. Мен қимматли қоғозлар савдосининг молиявий барқарорлигининг таъминлашдаги ўрни ҳақида гапириб бердим. Президентимиз ҳам бир тадбиркорни, жумладан, бизни ҳам астойдил тинглаб, корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини оширишдаги ўрни юқори экани сабабли ушбу тажрибани янада оммалаштириш кераклигини таъкидлади.

Шунингдек, мутасаддиларга бу борада зарур кўрсатмалар ҳам берди. Авваллари фаолиятимизни молиялаштириш учун тижорат банкларига мурожаат қилиб, кредитдан фойдаланардик. Дунё тажрибасини ўрганиш жараёнида қимматли қоғозлар билан ишлаш янада мақбул ва ишончли эканини аниқладик. Бу эса бизга кредит юкларини енгилаштириш билан бирга фаолиятимиз кенгайишига ва халқаро даражага чиқишимизга муҳим омили бўляпти.

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи давомида томорқадан уч марта ҳосил олиш амалиёти, саноатлашган боғлар ва сув тежовчи технологияларни, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш, қўшилган қиймат яратиш, ҳудуд учун янги булган цитрус ва тропик мевалар етиштиришни ўзлаштириш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Мазкур йўналишларга янада кўпроқ эътибор қаратиш баробарида илмий ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини ҳам билдирди. Бу вазифалар ҳам биз каби эндигина жаҳонга чиқиб бораётган тадбиркорлик корхоналари фаолиятига амалий дастур бўлиб хизмат қилади, албатта.

Рамазон — меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик оқи

ХАЙР-САХОВАТ ВА ЭЗГУЛИК АЙЁМИ

Бошланиши 1-бетда

Қарор ижроси доирасида жойларда тизимли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятида Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш, эҳтиёжманд оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган хонадонлар, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, етим болаларни тарбиялаётган оилаларга 1 миллион сўмдан маблағ берилмоқда. Бу муҳтожларнинг эҳтиёжини таъминлаш, дастурхонлари тўқиллиги ва қалбидagi ишонч-ни мустақамлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, “камбағал оила” тоифасига киритилган ҳамда “маҳалла етиллиги” рўйхатида турган эҳтиёжманд оилаларга

500 минг сўмдан бир марталик ёрдам пули ажратилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, маҳаллаларда ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустақамлашга замин яратяди.

— Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган хонадон вакили сифатида давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан жуда мамнунман, — дейди Дўстлик тумани Мевазор маҳалласида яшовчи Анорбой Қўчқоров. — Қарор ижроси доирасида оиламизга 1 миллион сўм ёрдам пули ажратилди. Бу нафақат молиявий қўллаб-қувватлаш, балки бизга эътибор ва меҳр-оқибат ифодаси сифатида қалбимизда чуқур миннатдорлик уйғотди.

Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг бемор аъзолари учун даволаниш ва зарур ҳолларда жарроҳлик амалиётини



бепул ташкил этиш ишлари ҳам тизимли йўлга қўйилган. Бу ҳам аҳолининг соғлигини сақлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш борасидаги амалий ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

— Мамлакатимизда аҳоли ҳаётини яхшилаш ва саломатлигини асраш давлатимиз сийосатининг энг устувор йўналишларидан, — дейди Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Маҳмарасул Умаров. — Рамазон ойи муносабати билан “Вақф” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ижтимоий реестрдаги оилаларнинг бемор аъзолари учун даволаниш ва мураккаб жарроҳлик амалиётини бепул ташкил этиш имконияти яратилди. Ушбу акция доирасида Жиззах вилоятида дастлабки босқичда 100 дан зиёд бемор рўйхатга олинди. Уларга тегишли ваучерлар топширилди.

— Кам таъминланган, ҳозир ишсиз оила бошлиғи сифатида давлатимиз кўрсатаётган ғамхўрликни чуқур ҳис этишман, — дейди Шароф Рашидов тумани Олмачи маҳалласида яшовчи Жаҳонгир Норбоев. — Айниқса, қизимнинг кўзида жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун берилган имкониятдан жуда ҳам мамнунман. Очғини, фарзандимнинг соғлиғи бизни анча вақтдан бери ташвишга солиб келар эди. Моддий имкониятимиз чеклангани учун юқори малакали шифокорларга мурожаат қилолмадик. Бугун туман тиббиёт бирлашмаси томонидан қизимга Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида жарроҳлик амалиётини ўтказиши учун ваучер топширилгани биз учун қутлимган ва айни пайтда қувончли воқеа бўлди. Бу эътибор ва ғамхўрлик фарзандимнинг соғлигини

тиклаш билан бирга эртанги кунга ишонч-имини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

— Рамазон ўзаро бирдамлик, инсонлар бир-бири ҳақида қайғуриб, ҳагто-камчиликларини кечирадиган, хайрли ишларда ҳамкорлик қилинадиган, ўзаро қўллаб-қувватлайдиган ойдир. — дейди Ўзбекистон муслмонлари идораси Жиззах вилояти вакили ўринбосари Ботирхон Рўзиев. — Бу ойда қариялар зиёрат қилинади, беморлар ҳолидан хабар олинади, муҳтожларга ёрдам берилди, кўнгил сўралади. Айниқса, етим-есирларнинг кўнглини кўтариш чексиз савоби иш. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Вақф” хайрия жамоат фондида ажратилаётган маблағлар ҳисобидан ижтимоий реестрларда рўйхатда турган аҳолига моддий ёрдам берилмоқда. Шунингдек, беморларни даволаш ва мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун маблағ ажратилиши, кам таъминланган оилаларга зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилиши, улар учун ифторлик дастурхонлари ёзилиши Рамазон ойининг мазмун-моҳиятига тўла мос келади. Анъанга мувофиқ, жорий йилда ҳам вилоятимиздаги 170 та масжидда тарових намози анд этилмоқда. Шундан 124 тасида Қуръони карим хати қилинмоқда.

Муборак ой муносабати билан аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида Жиззах вилоятидаги деҳқон бозорлари ва йрик савдо мажмуаларида арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилган. Уларда қулдалик эҳтиёж учун зарур турли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамёнбоп нархларда сотувага чиқарилган.

— Одатда ҳар яқшанба кунини оилам эҳтиёжи учун бир ҳафтага етадиган бозорлик қилиб қўяман, — дейди Жиззах шаҳрида яшовчи Абдукарим Шарипов. — Ўтган ҳафта Рамазон ойи яқинлашиб келаётгани учун нарх-наво ошиши мумкин деган ўйда

одатдагидан кўпроқ маҳсулот харид қилгандим. Чунки аввалги йилларда айнан Рамазон арафасида айрим озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашиб кетган ҳолатларни кузатганмиз. Бугун бозорга тушсам, нархлар ўтган ҳафтадагига нисбатан арзон эканини кўрдим. Масалан, ўтган ҳафта туҳмуннинг ҳар донасини 1300 сўмдан сотиб олган бўлсам, бугун 1200 сўмдан харид қилдим. Ёки 120 минг сўмлик гўштни бугун 110 минг сўмдан сотиб олдим. Очғини, аввалига “Балки сифати пастроқдир” деган гумон билан маҳсулотларни синчиклаб текширдим. Бироқ гўшт ҳам, туҳум ҳам сифатли ва янги экан.

Шунда бир сотувчидан “Нега бу йил Рамазонда нархлар ошмай, аксинча арзонлаган ёки сифатида фарқ борми?” деб сўрадим. Сотувчи “Биз нархни ўзошимчилик билан оширмаймиз. Илгари маҳсулот улгурчи сотилдиган жойларда нарх кўтарилгани учун биз ҳам оширишга мажбур бўлардик. Бу сафар давлатимиз раҳбари мутасаддиларга Рамазон ойида нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканини қатъий таъкидлагани боис, маҳсулотларимиз нархи ошгани йўқ, айримлари эса ҳагто арзонлади”, деди.

Ҳа, мамлакатимизда Рамазон ойи жамяятда ўзаро меҳр-оқибатни мустақамлаш, ҳамжиҳатликни кучайтирувчи, инсон қадрини улугловчи умумхалқ айёми сифатида юксак қадр толмақда. Шунингдек, юртимиздаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти, яъни “инсон — жамяят — давлат” тамойилининг ҳаётдаги амалий ифодасидир.

Бундан ташқари, вилоятдаги маҳаллаларда хайрия ташрифлари, саховат акциялари, “Рамазон дастурхони” лойиҳалари доирасида кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, нурунийларни зиёрат қилиш, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари кенг тус олган. Корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар, саховатпеша фуқаролар ҳам бу хайрли ишларга фаол қўшилиб, ижтимоий ҳамкорликнинг самарали намунасини кўрсатмоқда.

“Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарор ижроси доирасида Жиззах вилоятида қилинаётган ишлар эзгулик ва саховат тамойилларининг амалий ифодаси бўлиб, ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамяят эътиборида эканини яққол намоён этмоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Долзарб мавзу

ТОШКЕНТНИНГ АТМОСФЕРАНИ ИФЛОСЛАНТИРИШДАГИ УЛУШИ 70 ФОИЗГА ТУШИРИЛАДИ



Фан ва амалиёт

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН МАКТАБ ИШ БОШЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари бундай илғор тажрибани кенг жорий этиш зарурлигини таъкидлаб, Мирзачўлда инновацион қишлоқ хўжалиги мактабини ташкил этиш ташаббусини қўлаб-қувватлади. “Мирзачўл агрокластери” да пахтачилик бўйича эришилган юксак натижалар энди бутун мамлакат фермерлари учун ўқув амалиётига айланади. Ушбу мактабда республика бўйича минг нафар фермерни чўл шариоатида пахта ва бошқа экинларни етиштиришга ўқитиш, белгиланган дастурни муваффақиятли ажунаб, сертификат олганларга фермерлар рейтингига қўшимча 10 балл бериш тизими жорий этилиши назарда тутилди.

Фермерлар ўқий бошлади

Баҳор эшик қоқиб турибди. Кўз очиб юмгунча эрга чигит қадаладиган палла ҳам келади. Шундай экан, инновацион мактаб дастлабки мавсумда қандай ўрин тутуши, унинг айна пайтдаги фаолияти билан қизиқдик. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг илм-фан, инновация ва таълимни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Тўхтамурад Отақуллов бўйича маълумот берди.

Унинг айтишича, инновацион мактаб биноси энг сўнги лойиҳалар асосида таъмирланди ҳамда фервалдан иш бошлади. Зарур меъёрга ва лаборатория жиҳозлари, кўргазма воситалар ҳамда қишлоқ хўжалиги дронали олиб келинди. Замонавий электрон технологиялар билан жиҳозланган ўқув заллари, пахтачилик ва галлачилик, боғдорчилик ва чорвачилик, мелiorация ва ирригация каби йўналишлардаги ўқув хоналарида тингловчилар учун етарли қўлайлик яратилган.

Ўқув курслари Тошкент давлат аграр университети, “Бухоро агрокластери” масъулияти чекланган жамияти ҳамда илмий-тадқиқот институтлари олимлари, мутахассислари тайёрланган дастурлар асосида амалга оширилади. Биринчи босқичда Мирзачўл, Дўстлик ва Арнасай туманларининг 100 дан ортиқ фермерлари учун 40 соатлик ўқув курсларига шарт берилади. Ўқув жараёни юқори малакали профессор-ўқитувчилар ҳамда амалиётчи мутахассислар томонидан пахтачилик ва галлачиликда илғор агротехнологиялар ва инновациялар асосида ўтилади. Тошкент давлат аграр университети ва Мирзачўл инновацион қишлоқ хўжалиги мактаби ўртасида илмий, ўқув ҳамда амалий техник ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзоланди. Бу фермер хўжаликлари ва агрокластер ўртасида билим ҳамда малака алмашинуви, замонавий агротехнологияларни жорий этиш билан бирга илмий-амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мактабда фермерларга илғор, замонавий технологиялар билан ишлаш тартиби тушунирилмоқда. Тингловчиларнинг қай бири билан суҳбатлашсанг, соҳа тарихида кузатилмаган эзгу ишга ўз вақтида киришганини айтиди. Зеро, курс иштирокчилари назария билан амалиёт уйғунлиги, айниқса, бугунги дунё тажрибаларига асосланган илмлардан боғбардорлик давр талаби эканини чуқур англаб етатиди. Аслида, курснинг асосий вазифаси ҳам фермер хўжаликлари ва мутахассисларни пахта ва галла етиштиришда инновацион агротехнологиялар билан таништириш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Шунингдек, ресурс тежамкор, экологик хавфсиз ва юқори ҳосилдорликни таъминловчи усулларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш орқали фермер ва мутахассисларнинг касбий салоҳиятини юксалтиришидир. Режага кўра, ўқув курслари февраль-апрель ойлариде ташкил этилади.

Сувни тежаш, ҳосилдорликни ошириш — бугуннинг талаби

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори ўринбосари Ойбек Омоновнинг айтишича, марказда 10 дан

зиёд илмий-тадқиқот институти бор. Уларда 600 га яқин олим фаолият юритяпти. Сув таъминоти оғир, ҳосилдорлиги паст фермер хўжаликларига амалий ёрдам беришда буларнинг илмий салоҳиятидан фойдаланилади. Инновацион мактабда ҳар ҳафта қишлоқ хўжалиги, айниқса, галлачиликдан юқори, гўза ва шолидан йилгига икки марта ҳосил олиш, қолаверса, сув тежовчи технологияларни жорий этиш каби йўналишларда олимлар фермер хўжаликлари билан мулоқот қилади.

Бугун қишлоқ хўжалиги олдида турган энг муҳим вазифалардан бири иқлим шариоати оғир ва сув ресурслари чекланган ҳудудларда пахта, галла ва бошқа экинлардан барқарор ва юқори ҳосил олишга эришишдир. Айниқса, чўл шариоатида пахта ва галла етиштиришда томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу усуллар орқали сув тежалди, касбий илмизга зарур нам ва озуқа тўғридан тўғри етказилади. Натижада сув сарфи 40-50 фоизгача камайиб, ҳосилдорлик сезиларли даражада ошади.

Инновацион мактабда лаборатория мудири сифатида ишлаётган Алишер Ақромов бу ерда ташкил этилган илмий семинарда пахта хошасини қабул қилиш жараёни, сақлаш, шоллаб чиқаришда сифатли махсулот олиш бўйича иштирокчиларга тақлим ва тавсиялар берди. Бундан ташқари, фермер хўжаликларида сифатли уруллик чигит тайёрлаш бўйича ҳам маъруза қилди.

Илм билан ишлаб чиқариш бирлашса, юқори ҳосилдорликка эришилади. Фермер хўжаликларининг иқтисодий манфаатдорлиги ошади, — дейди у. — Айниқса, чўл ва чўлга яқин ҳудудларда пахта ва галла етиштиришда илмий ёндоқлар ҳамда замонавий инновацион агротехнологияларни амалиётга жорий этиш талаб қилинмоқда. Шу маънода, илм-фан ва амалиёт уйғунлиги пахтачилик ва галлачилик тараққийининг асосий омилларидан бирига айланб бормоқда.

Чўл ҳудудларда ўзига ҳоким ҳорарат, кам ёғин, шўрланиш, сув танқислиги пахта ва галла етиштириш жараёнини қийинлаштирилади. Илгари бундай ерлар кам унумли, қишлоқ хўжалиги учун ярқис деб ҳисобланган. Аммо сўнгги йиллардаги изланишлар тўғри бажарилган агротехника, мос навлар ва ресурс тежовчи технологиялар орқали чўл ерларни ишлаб чиқаришга самарали жабл этиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ўқув-семинарлар давомида иштирокчиларга сўнги йилларда чўл иқлимга мослаб янги яратилган, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамли пахта ва галла навлари бўйича маълумотлар берилляпти. Бундай навлар сувни кам талаб қилади, юқори ҳораратга бардошли, ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан ажралб туради.

Илмий ишланмаларнинг натижадорлигини оширишда уларни фермерлар тажрибаси билан уйғунлаштириш юқори самара беради. Шу мақсадда “илм — тажриба — ишлаб чиқариш” занжири йўлга қўйилляпти. Дала семинарлари, тажриба майдонлари, маслаҳат хизматлари орқали олимлар ўз тавсияларини амалиётга оммалаштирмоқда.

Бугун қўлбал фермер хўжаликлари илмий асосланган агротехник тадбирлар орқали чўл ҳудудларда ҳам юқори ва сифатли пахта ҳамда галла ҳосили олишга эришишмоқда. Бу эса илм-фанга таяниш самара бераётганининг ақвол исботидир. Энди рақамли қишлоқ хўжалиги технологиялари ёрдамида ер майдони ва экинлар мониторингини ҳамда дроналор орқали назорат қилиш, иқлим маълумотларини йиғиш каби инновацион ечимлар амалиётга татбиқ этилади. Бу фермерларга экинларни жойлаштириш ва ҳосилни прогноз қилишда аниқ ва тезкор маълумотларга таяниш имконини беради.

Чўл шариоатида пахта етиштириш фақат иқтисодий самара эмас, балки экологик барқарорлик нуқтаи назаридан ҳам муҳим. Сувни тежаш, ерлар деградациясининг олдини олиш, иқлим ўзгаришига мослашши бугуннинг асосий вазифасидир. Илм-фан ва амалиёт уйғунлиги айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Бу йўлдаги ҳамкорлик ва уйғунлик мамлакат қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминляпти.

Муножат МҶМИНОВА,

“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳозирги даврда илм-фан ва технологиялар соҳасида юксак марралар забт этилиши баробарида юзага келган экологик танглик келажакка жиддий таҳдид тугдирмоқда. Мамлакат танламас, чегара қириб бормаган ҳудуд қолмади. Иқлим ўзгариши туфайли юзага келаятган тошқин, тўфон, чанг-тўзон инсон ҳаёти ва табиий мувозанатга оғир зарар етказмоқда.



Ушбу глобал экологик муаммоларнинг ҳаёт давомийлигига салбий таъсирини камайтириш инсониятдан катта масъулият ва оқилона ҳаракатларни талаб этмоқда ва дунё ҳамжамияти олдида янгидан янги вазифаларни қўймоқда. Айни пайтда дунё миқёсида бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжихатликни таъминлаш, табиат бойликларини тежаш ва барқарор ривожланишга эришиш устувор мақсад этиб белгиланган.

Экологик муаммолар минтақамиз, шу жумладан, мамлакатимизни четлаб ўтмапти. Орол денгизининг қуриши, тупроқ ва ҳаво ифлосланиши, сув танқислиги, сўнгги пайтларда тез-тез кузатилаётган чанг-тўзон ҳодисалари юртимизда ҳам экология билан боғлиқ чоратадбирларни тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Сўнгги йилларда бу масалаларга а устувор эътибор қаратилиб, соҳадаги ишларнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди ва амалий ишлар кенгайди.

Жумладан, ўтган йилги айни йўналишдаги кенг қўламли чора-тадбирлар экологик барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасидан маълум қилишларича, бу борада ўтган йилги давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши натижасида ўрмон майдонлари кенгаймоқда, Оролбўйида янги ўрмонзорлар яратилди.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида барча ҳудудларда кўкаламзорлаштириш ишлари давом этди. Ийрик санаот корхоналарида “яшил белбоғ”лар ташкил қилинди. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида ҳудудларда яшил боғ ва яшил жамоат парклари барпо этиляпти. Бу лойиҳалар чўллашиш жараёнини секинлаштириб, иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва биохилма-хилликни сақлашга хизмат қилмоқда. Бу ишлар нафақат табиатни тиклаш, балки халқимиз учун қўлай экологик муҳит яратишда муҳим самара бермоқда.

Атмосфера, ер ва сув ресурслари ҳамда атроф-муҳитни мониторинг қилиш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, 73 та санаот корхонасида мавжуд чанг-газ тозалаш ускуналари модернизация қилинди ва янгидан ташкил этилаётган 2 та санаот корхонасида чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилиши натижасида атмосферага 1,5 минг тоннадан ортиқ ифлослантирувчи модда

ташланишининг олди олинди. “Тоza ҳаво” ойлги доирасида автотранспорт воситалари экологик назоратдан ўтказилди. Аниқланган нозоклиқлар бартараф этилиши натижасида 200 тоннадан ортиқ ифлослантирувчи модда атмосфера ҳавосига чиқарилишининг олди олинган.

Чикиндиларнинг табиатга зарарини камайтириш ҳам глобал миқёсдаги муаммодир. Бундай масалаларга ечим сифатида дунё миқёсида ўзига хос янги тажрибалар шаклланыпти. Хусусан, чикиндини қайта ишлаш уни зарарли воситадан фойдаланишга айлантирмоқда. Ушбу илгор тажрибалар юртимизда ҳам кенг жорий этилмоқда. Хусусан, чикиндиларни бошқариш тизими рақамлаштирилиши, “Тоza макон” билнинг тизими ва мобил иловаси жорий этилиши, хусусий сектор инвестицияси, янги техника ва полигонларнинг модернизация қилиниши орқали чикиндиларни қайта ишлаш ва утилизация даражаси сезиларли ошди. Атмосферага зарарли моддалар чиқарилиши 1,5 минг тоннага камайиши, оқова сувнинг 60 фоизини тозалашга эришилиши ҳаво ва сув сифати яхшиланишига, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга замин яратди. Бу чоралар мамлакатимизда “яшил иқтисодий”ни жорий этишда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Обод маҳалла ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ИЛМИЙ ЕЧИМИ

Тошқоқ туманидаги Обисей маҳалласида 3000 дан зиёд киши яшайди. Туман марказидан олисдаги ушбу қишлоқда бир қанча муаммолар тўпланиб қолган эди. Хусусан, тоза ичимлик сув, йўл, электр таъминоти, иш ўринлари етишмайди. Шу сабаб маҳалла “оғир” тоифага киритилган. “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббуслар кенг қўлоқ ёзди.

Жорий йил 23 январь куни Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилдаги асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселекторда республика бўйича аниқланган 37 тумандаги 903 “оғир” маҳалланинг ҳар бири учун аниқ, илмий асосланган ва амалий натижага йўналтирилган мастер-режалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди. Бу топириқ оқдий режалаштиришдан иборат эмас, балки маҳаллани “оғир” тоифадан чиқаришга қаратилган комплекс ечимлар тизимини яратишни назарда тутди.

Фаргона давлат техника университетининг профессор-ўқитувчилари, магистрант ва стажёр-тадқиқотчиларидан иборат ишчи гуруҳ Тошқоқ туманидаги “оғир” тоифадаги Обисей, Варзак маҳаллаларининг иқтисодий-ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиш, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва захираларини аниқлаш, инвестиция, инфратузилма лойиҳалари рўйхатини

шакллантириш, томорқадан самарали фойдаланишга қаратилган мастер-режа ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

— Йиғилишда Президентимиз белгилаб берган топириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Фаргона вилоятидаги 125 та “оғир” маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мастер-режалар ишлаб чиқиш белгилаб олинди, — дейди Фаргона давлат техника университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Илморжон Жаҳонгирев. — Жараёнда дастлаб белгиланган ҳудуд аҳолисининг демографик ҳолати, ижтимоий қатламлари таҳлил қилинади. Шу орқали ижтимоий-иқтисодий ҳолат ўрганилади. Инфратузилма ҳолати аниқланади. Шунингдек, ҳудуднинг салоҳияти баҳолалиб, ўсиш нуқталари, ривожланиш драйверлари бўйича алоҳида тақлифлар ишлаб чиқилади. Муҳими, янги иш ўринлари очилиши бўйича аниқ тақлифлар берилади.

Мастер-режалар натижасига кўра, тадбиркорлик субъектлари учун янги иқтисодий ташаббуслар алоҳида лотлар кўринишида шакллантирилиб, маҳаллий ҳокимият органлари тақдим этилади. Жараёнда университет профессор-ўқитувчилари билан бирга битирувчи курс ҳамда магистратура босқичи талабалари ҳам жалб этилган. Уларнинг битирув-малакавий иши, магистрлик диссертациялар мавзуси ушбу мастер-режаларга мувофиқлаштирилган.

Ишчи гуруҳ Обисей маҳалласида геодезия ўлчов ва топография лойиҳа ишларини ажунади. Ҳозир худуднинг архитектуралар ва муҳандислик тизимлари бўйича бош режаси ишлаб чиқилляпти.

— Маҳалламиздаги муаммолар юзасидан жуда кўп жойларга муурожаат қилганмиз. Аммо амалий ечим бўлмаган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Расулжон Худойбердиев. — Айниқса, ички йўллар ҳолати ёмонлиги, ичимлик сув танқислиги ва ишсизлик долзарб масала. Йиғилишда Президентимизнинг камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, “оғир” тоифадаги маҳаллаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш юзасидан берган аниқ кўрсатмалари маҳалламиз ҳаётида туб бурилиш ясади. Масъуллар маҳалламизга келиб, кўчама-кўча юриб, аҳоли билан мулоқот қилиб, вазиятни ўрганди. Ҳар бир муаммо жойида таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш бўйича аниқ ва асосли тақлифлар илгари сурилмоқда. Муҳими, маҳалламиз учун бош режа ва лойиҳалар бепул ишлаб чиқилди. Агар бу каби ишлар пулли асосда қилинганда эди, маҳалла бюджетидан катта маблағ сарфлаш ва ортиқча югур-югурга сабаб бўларди. Эш архитекторлар маҳалла қиёфасини замонавий андозалар асосида таъмирлаш, ободонлаштириш борасида тақдим этаётган лойиҳалар бизга жуда маъқул келди. Улар муаммоларни ҳал этиш билан бирга биз эътибор бермаган имкониятларни илмий

асослаб, иқтисодий тақлифлар бермоқда. Бу жуда катта кўмак, имконият.

Ишлаб чиқилаётган мастер-режалар шаҳарсозлик нормалари ва қондаларга тўлиқ мос келади. Муҳими, унда ҳудуд ривож учун аниқ стратегия белгилаб берилади. Бу эса “оғир” маҳаллаларни фақат ижтимоий ёрдам ҳисобига эмас, балки ўз иқтисодий салоҳиятини ишга солиш орқали ривожлантиришга хизмат қилади. — Урганиш жараёнида муҳандислик коммуналциялари, йўл-транспорт тизими, ижтимоий инфратузилма, яшил ҳудудлар ҳамда турар жой фонди ҳолати атрофида таҳлил этилмоқда, — дейди Фаргона давлат техника университети архитектура ва қурилиш факультети декани Шодилжон Умаров. — Ишчи гуруҳ худуднинг асосий иқтисодий драйверлари йўналишини аниқлаш, маҳалланинг иқтисодий таҳлилин ўтказиш ҳамда аҳоли ўртасида сўровномалар ташкил этиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Аниқланган муаммо ва камчиликлардан келиб чиқиб, маҳалланинг бош режаси университет ҳузуридаги “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш” марказида талаба ҳамда профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида ишлаб чиқилади.

Хусусан, пиёдалар ва автотранспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, муҳандислик тармоқларини такомиллаштириш, ижтимоий объектлар — мактаб, боғча, табиийё муассасалари ва дам олиш худудларини оқилона жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу орқали худуд замонавий қиёфага кирди. Шунингдек, инфратузилма тармоқларини ҳар жиҳатдан мукамал бўлиди. Экологик барқарорликни таъминлаш, маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Бундай ўзгаришлар эса юртдошларимиз кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири





Бошланиши 1-бетда

“Саломатлик марафони” Эллиққалъада

Юртимизда ҳар йили “Саломатлик марафони” ўтказиб келинмоқда. Ушбу муҳим тадбирни ўтказишдан асосий мақсад аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, одамлар ўртасида касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек,

“

Аҳоли терапевт, педиатр, кардиолог ҳамда бошқа мутахассислар кўригидан ўтказилиб, зарур лаборатор текширувлар амалга оширилди. Шунингдек, сурункали касалликларга чалинган фуқароларга маслаҳатлар берилиб, даволашни бўйича тавсиялар тақдим этилди. Айниқса, ёши улуглар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда доимий тиббий назоратга муҳтожлар ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди.

Бошланиши 1-бетда

Кафолатланган тиббий хизмат ҳажми давлат маблағлари ҳисобидан кафолатланган текин тиббий хизматлар рўйхати бўлиб, унга шойлинич тиббий ёрдам, биринчи босқич шифокорлик хизматлари, баъзи таҳлил ва диагностика ишлари, стационар даволашни кабилар кирди.

Утган йиллар давомида давлат тиббий сугуртаси тизими Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида жорий этилди. Хусусан, 2025 йилда 768 та тиббиёт муассасаси Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси билан шартнома асосида фаолият юритди. Мазкур тиббиёт муассасалари “аҳоли жон бошига” ва “ҳар бир даволаш ҳолат” тамойили асосида молиялаштирилиб, бунинг учун 20,1 триллион сўм йўналтирилди. Бу маблағ шифокорлар меҳнатини қадрлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар манфаати устуворлигини таъминлади.

Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга электрон йўллама асосида кўрсатиладиган тиббий хизмат харажатларини қоплаш мақсадида Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси 2025 йил учун 155 та тиббиёт ташкилотини билан 1 триллион 232,1 миллиард сўмлик шартнома имзолади.

2025 йилда бу муассасаларда электрон йўллама асосида даволанган, имтиёзли тоифага кирувчи 101 минг 623 кишига кўрсатилган тиббий хизматлар учун 1 триллион 231,79 миллиард сўм тўлов амалга оширилди.

Имтиёзли тоифадаги фуқароларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам шунчаки ижтимоий

соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Ушбу марафон Эллиққалъа туманида ҳам бўлиб ўтди. Тумандаги 7 та оилавий поликлиника ва 6 та оилавий шифокорлик пунктида аҳоли профилактик тиббий кўрик ва оммавий скрининг текширувларидан ўтказилди. Сурункали касалликларни бўлган беморлар мамлакатимизнинг етакчи мутахассислари кўриги ва юқори технологик операциялар учун танлаб олинди.

Саломатлик – эл бойлиги



ТАДБИРКОР АМУДАРЁ ТУМАНИДА ТИББИЁТ МУАССАСАСИ ҚУРИБ БЕРДИ



— Кўрсатмага асосан 11 турдаги лаборатор ва 7 турдаги инструментал текширувлар ўтказилди. Шунингдек, беморларни махсус тор соҳа мутахассисларига юбориш ишлари тизимли бажарилди, — дейди Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот

хизмати раҳбари Гулзар Жумагулова.

Эллиққалъа тумани тиббиёт бирлашмасининг малакали шифокорлардан иборат гуруҳи туманининг энг

олис ҳудудларидан бири — Чуқурқоқ маҳалласида ҳам бўлиб, марафон доирасида одамларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди.

Аҳоли терапевт, педиатр, кардиолог ҳамда бошқа мутахассислар кўригидан ўтказилиб, зарур лаборатор текширувлар амалга оширилди. Шунингдек, сурункали касалликларга чалинган фуқароларга маслаҳатлар берилиб, даволашни бўйича тавсиялар тақдим этилди. Айниқса, ёши улуглар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда доимий тиббий назоратга муҳтожлар ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди. Кўрик жараёнида аниқланган ҳолатлар юзасидан фуқаролар тегишли тиббиёт муассасаларига йўналтирилди. Бундай сайёр тиббий хизматлар олис ҳудудларда яшовчилар учун қулайлик яратиб, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилляпти.



Тезкорлик ва шаффофлик таъминланди

Бугун Нукус тумани аҳлига амбулатор хизмат кўрсатиш учун 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 2 та оилавий поликлиника, 4 та оилавий шифокорлик пункти фаолият юритмоқда. Стационар ёрдам эса 142 ўринли марказий шифохона орқали амалга оширилади. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшаётгани тиббий хизматни ҳудудларга яқинлаштиришни тақозо этади.

Марказий шифохона замонавий наркоз ва рентген ускунаси, лаборатория биокимёвий анализатори, микроскоплар билан жиҳозланган бўлиб, барча тиббий ускуналар ишга туширилган. Шунингдек, тиббиёт бирлашмаси томонидан шифохонага ультратовушли текширув ва лазер ускуналари ҳам харид қилинган.


— Сўнгги йилларда бирлашмаимизнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Қабул бўлишидан бошлаб яшил, сариқ, қизил тоифаларга ажратилган. Бу жараёнда беморнинг тиббий ҳолати ҳисобга олинади ва шу асосда хизмат кўрсатилади. Айниқса, DMED электрон тизимига ўтганимиз хизмат сифатини янги босқичга олиб чиқмоқда. Хужжатлар электрон шаклда юритилиб, беморлар маълумоти ягона базага киритилмоқда. Бу тезкорлик ва шаффофликни таъминлайди, — дейди Нукус тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Айбек Тажмуратов.

Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир туманга вилоятлар бириктирилган. Нукус туманига Самарқанд вилояти бириктирилган бўлиб, тиббиёт соҳасига 1 миллиард 100 миллион сўм ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан оилавий поликлиникалар учун 3 та санитар автомашина олинган. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар орасидан мураккаб ихтисослаштирилган операцияга эҳтиёжманд 19 беморда Самарқанд вилояти шифокорларини жарроҳлик амалиётларини ўтказди.

Юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида ўтказилаётган ислохотлар натижаси ҳудудлардаги замонавий тиббий хизмат сифатида шу тариқа акс этмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

РЕИМБУРСАЦИЯ ДАСТУРИ ёхуд бепул дорилар кимларга ажратилади?



Инсон қадри учун

Бошланиши 1-бетда

Кафолатланган тиббий хизмат ҳажми давлат маблағлари ҳисобидан кафолатланган текин тиббий хизматлар рўйхати бўлиб, унга шойлинич тиббий ёрдам, биринчи босқич шифокорлик хизматлари, баъзи таҳлил ва диагностика ишлари, стационар даволашни кабилар кирди.

Утган йиллар давомида давлат тиббий сугуртаси тизими Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида жорий этилди. Хусусан, 2025 йилда 768 та тиббиёт муассасаси Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси билан шартнома асосида фаолият юритди. Мазкур тиббиёт муассасалари “аҳоли жон бошига” ва “ҳар бир даволаш ҳолат” тамойили асосида молиялаштирилиб, бунинг учун 20,1 триллион сўм йўналтирилди. Бу маблағ шифокорлар меҳнатини қадрлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар манфаати устуворлигини таъминлади.

Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга электрон йўллама асосида кўрсатиладиган тиббий хизмат харажатларини қоплаш мақсадида Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси 2025 йил учун 155 та тиббиёт ташкилотини билан 1 триллион 232,1 миллиард сўмлик шартнома имзолади.

2025 йилда бу муассасаларда электрон йўллама асосида даволанган, имтиёзли тоифага кирувчи 101 минг 623 кишига кўрсатилган тиббий хизматлар учун 1 триллион 231,79 миллиард сўм тўлов амалга оширилди.

Имтиёзли тоифадаги фуқароларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам шунчаки ижтимоий

Мамасолиев. — Андижондаги шифохонада даволандим. Лекин фойдасини сезмадим. Сентябрь ойига келиб, менга сурункали буйрак етишмовчилиги ташхиси қўйилди ва диализ олишни тавсия қилинди. Утган вақт давомида касаллик мени ҳолдан тойдирган эди. Диализ олиш жуда оғир кечди.

Шифокорлар операция зарурлигини айтган, Тошкентга йўл олдим. Уғлим мендан берухсат донор бўлибди. Бу хабарни операциядан чиққандан сўнг эшитдим.

Миллий тиббиёт марказида ўтказилган операция ва барча даволаш харажатлари давлат тиббий сугуртаси томонидан қопланди. Агар бу тизим бўлмаганида, мен оёққа турмасдим.

Давлат тиббий сугуртаси тизими фақат молиявий қўллаб-қувватлаш эмас, балки давлатнинг инсон ҳаётига, соғлиғига ва ижтимоий адолатга бўлган масъулиятidir. Йил давомида тизим орқали амалга оширилган ишлар шундан далолат берадики, Президентимиз ташаббуси ва сиёсий иродаси натижасида минглаб инсонлар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Реимбурсация дастури нима?

Давлат тиббий сугуртаси жорий этилаётган ҳудудларда аҳолига кафолатланган ҳажм доирасида тиббий хизматлар кўрсатиш, жумладан, сурункали беморларни бепул дори-дармон билан таъминлаш чоралари ҳам кўриломоқда.

“Харажатларни қоплаш” маъносини англатувчи “реимбурсация” сўзи истезмолга кириб келганига унча кўп вақт бўлмади.

Реимбурсация дастури доирасида сурункали касалликларга чалинган беморларга оилавий шифокор ёзган электрон рецетт асосида 28 турдаги дори-дармон амбулатор даволашни учун текин тақдим этилмоқда. Дори харажатлари Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси томонидан қоплаб берилляпти. Хусусан, айни пайтда дастурга артериал гипертензия, юрак ишемик, қандли диабетнинг 2-тури, қандсиз диабет, бронхиял астма, ўпканинг сурункали обструктив ва меъда-ичак тизими хасталиклари каби 12 та касаллик гуруҳи киритилган.

“Бепул дорилар кимларга берилади?” деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

— Таҳлиллар Ўзбекистонда юрак-қон томир хасталиклари умумий ўлим сонининг 60 фоизини ташкил этишини кўрсатмоқда, — деди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий сугуртаси ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Шухрат Алимардонов. — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш бўйича миллий клиник протокол ишлаб чиқилган. Агар бемор ҳаёти давомида ўз вақтида дори ичиб бора, касаллик асорат қолдирмайди. Қолаверса, давлат шифохоналарига бўладиган босимнинг олди олинади.

— Анча йиллардан буён ошқозон оғрини ва қон босими ошишидан азият чекаман, — дейди Наргиза Мақсудова. — Чилонзор туманидаги 33-поликлинникада рўйхатда тураман. Шифокорлар электрон рецетт орқали дорихонага йўналтиради. Бепул дори оламан. Ҳар ой рецетт янгиланади. Тиббиёт ходимлари назоратида тайинланган дориларни ўз вақтида қабул қилганим туфайли соғлиғим анча яхши. Бундан жуда



хурсандман. Яхшиям шу тизим йўлга қўйилган, акс ҳолда, зарур дориларни сотиб олишга имконият етмасди, бу соғлиғим ёмонлашишига сабаб бўлиши мумкин эди.

— Тошкент шаҳри ва 15 та тажриба-синон ҳудудида амалиётга киритилган “Электрон рецетт” тизими билан Реимбурсация дастури асосидаги электрон рецеттнинг адаштирмалик керак, — дейди Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари Улугбек Қандимов. — Реимбурсация дастурида электрон рецетт асосида диспансер назоратида турувчи беморларга дори бепул берилди. “Электрон рецетт” тизимида эса бемор дорини ўзи сотиб олади.

Мутахассислар фикрича, Реимбурсация дастури аҳолини сифатли ва кафолатланган дори-дармон билан таъминлаш, сурункали касалликлар асоратларини камайтириш ҳамда тиббий хизматлар шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

— Утган йилда 1 миллион 300 мингдан ортиқ бемор текин дори-дармон билан таъминланиб, уларга 2,5 миллиондан ортиқ электрон рецетт расмийлаштирилди, дорихоналарга 90 миллиард сўмликка яқин дорининг қийматлари қоплаб берилди, — дейди У.Қандимов. — Реимбурсацияга режалаштирилган маблағлар жамғарма томонидан бошқариб, белгиланган лимит шакллантирилиб борилади. Электрон рецеттлар расмийлаштирилиши мониторингини ва мақсадли сарфланиши доимий назоратда. Реимбурсация дастурига кирувчи касалликларни янада кенгроқ қамраб олиш, дори турларини ҳам қўлайтиришни мақсад қилиб олганмиз.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, яъни аҳолининг барча қатламни қамраб олиш, уларни амбулатор шартда даволашга эриштиш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг умр кўриш давомиинлигини узайтириш энг катта мақсад.

Дорихоналарда нима гап?

Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси билан шартнома тузган дорихоналар орқали сурункали касалликларга дори етказиб берилляпти.

— “Дори-дармон” акциядорлик компанияси ва унинг тизимидаги жамиятларга қарашли 481 та дорихона ва дорихона шох-бочаси Реимбурсация дастурига уланган ва фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди “Дори-дармон” акциядорлик компаниясининг чакана савдон ривожлантириш директори Абдувоҳид Иноғомов. — 2025 йил давомида Реимбурсация дастурига уланган дорихона ва дорихона шохобчаларида, маълумотларга кўра, 28 миллиард 300 миллион сўмлик дори электрон рецетт орқали беморларга бепул берилган.

“Электрон рецетт” тизимини босқичма-босқич жорий этиш тартибига кўра, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги 15 та туман ва шаҳардаги барча тиббиёт ташкилотларида тажриба-синон тариқасида дори-дармонни халқаро патентланмаган номи бўйича босқичма-босқич электрон рецетт асосида тайинлаш белгиланди. Биринчи босқичда антибиотиклар ва тизимли таъсир этувчи синтетик антибактериал дори ҳамда тизимли таъсир этувчи гормонал дори электрон рецетт орқали берилиши белгиланди.

Электрон рецетт модулининг моҳияти шундаки, тизим дориларнинг дозаси ва шаклини ҳисобга олган ҳолда халқаро патентланмаган номи билан электрон рецетт ёзишни таъминлайди. Рецетт асосида дорини маркировка қилинган ҳолда сотиш имконини беради. Барча жараёнлар автоматлаштирилади, инсон омилни камади. Беморлар мобил илова орқали ўз рецеттларини кузатиб бориш имкониятига эга бўлади.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



8 март — Халқаро хотин-қизлар кун

Асрлар довоидан ошган Умрлар

Киш фасли ўзининг қут-баракасини она замин узра сочиб, табиат аста-секин янгиланиш айёми — фасли навбахорга йўл очаётган шу файзли кунларда инсонлар қалбида ҳам илиқлик, эзгулик ва саховат туйғулари уйғонади. Табиатдаги бу ўзгариш кишилар руҳиятига ҳам кўчиб, яхшилик қилиш, ҳол сўраш, дуо олиш каби қадриятларни яна бир бор эса солади.

Сабр-қаноат, шукроналикнинг жонли тимсоллари

Ана шундай кўтаринки кайфият оғушида ижодий жамоамиз билан ёши улугларни йўқлаш, дуоларини олиш ва ўғитларидан баҳраманд бўлиш ниятида йўлга отландик. Зеро, бу нафақат ижодий вазифа, балки қалб эҳтиёжи манбаидир.

Манзилимиз Тошкент вилоятининг Зангиота тумани бўлди. Дарҳақиқат, ҳаёт синовидан ўтган, қадоқ қўли меҳнатда тобланган нурунийлар суҳбатда бўлиш ўзимиз учун ҳам катта маънавий сабоқ вазифасини ўтади. Чунки шукрона ва сабр билан умр кечириб сирларни китоб саҳифаларида эмас, айнан шундай табарруқ инсонларнинг қалбида мужассам. Уларнинг сўзида ҳаёт ҳикмати, дуосида эса барака яширин.

Зангиота туманининг Шодлик маҳалласи Иноқ кўчасида истиқомат қилаётган Мавлуда Камолова ана шундай онахонлардан. Ая жорий йил 1 январда 101 ёшни қарши олди.

— Рамазоннинг шундай улуг кунларида мени йўқлаб келибсизлар, бошим кўкка етди. Етказганига шукр, тинч ва фаровон замонларга ҳам етиб келдик, — дейди Мавлуда она. — Аслида, доим шундай ёруғ кунларни орзу қилиб, яхши ният билан яшаганман. Бутун юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон; болалар, набирани эварадилар ардоғида, меҳр-мухаббат кучоғида яйраб ўтирибмиз. Кўнгида яхши ният ва шукрона бўлса, ҳар қандай синовни енгиб ўтиш мумкин. Одамзодни турмуш қийинчилиги эмас, ношукрлик енгади. Шунинг учун нолимай, Худо берган умрни, пешонага ёзилган тақдирни, вужуддаги тансиҳатликни ва энг асосийси, тирикликни неъмат билиб, борига қаноат қилиб яшай олиш керак.



“Ҳой, Зайнаб, нега адаштирасан?”

Суҳбат асосида аянинг иккинчи қизи Зайнаб опадан “Онагизнинг бугун қанча невараси, эвара ва чеваралари бор?” деб сўрадик.

— Онагонимнинг 40 га яқин невараси бор, — деди у.

Шу пайт онахон қизининг гапини бўлди:

— Ҳой Зайнаб, нега адаштирасан? Неварам 23 нафар-ку. Невараларимнинг фақат исмини эмас, балки қай бири қаерда ишлаётгани ва яшаётганини ҳам аниқ айтиб бера оламан, — дея уларни бирма-бир санай бошлади. Ая хотирасининг тиниқлиги ва ҳисоб-китоби аниқлиги бизни, очиги, хайратга солди. Аслида, бу шунчаки кучли хотира эмас, балки ўз авлодига юксак меҳр ва эътибор намунаси эди.

Тақдирнинг янги саҳифаси

Асли Тошкент шаҳрининг Ҳазрати Имом маҳалласида вояга етган Мавлуда ая зиёли ва тарбияли оилада камол топган. У пайтларда қиз боланинг таълим олиши ҳар доим ҳам одатий ҳол саналмаган. Аммо унинг ота-онаси замонадан илгарилар



фикр юритарди. Шу боис, улар қизини тиббиёт билим юртига ўқишга қўйган эди. Урушдан кейинги давр муҳтожлик, етишмовчилик ва танқислик йиллари эди. Оила турмуш тақозоси билан Тошкент вилоятига кўчиб ўтди. Икки йиллик таҳсилни муваффақиятли тугатган, орзуларга тўла, ҳаёт оstonасида турган 19 ёшли қиз учун янги жойда тақдир янги саҳифа очди.

Фарзандлар болаликда босиб ўтган ҳаёт йўлини эслаб, онахон бошдан кечирган қийинчиликлар, турмушнинг оғир синовлари, яхши ва ёмон кунлари, тўй-тантаналари ҳамда эришган муваффақиятлари ҳақида гоҳ ҳаяжон, гоҳ кўзда ёш билан ҳикоя қилиб берибди. Улар ўз сўзида онаси берган тарбия, ўргатган сабоқлар, турли вазиятларда олган дуолари ва насихатлари доимо уларга ёрдам берганини фахр ва қувонч билан гапирарди.

онахон. — Турмуш ўртоғим туну кун даладан бери келмасди. Ўша вақтда колхоз райиси бўлиб ишласа-да, баъзан уйимизда ейиш учун бир тишлам нон ҳам топилмасди. Қора қозонни қайнатиб, рўзгорни оз бўлса-да, тўлдириш илинжида кичик фарзандларимни катталарига ташлаб, ўзим далага ишга чиқиб кетдим. Бу орда уруш асоратлари туфайли хўжайиним 56 ёшида оламдан ўтди. Ушанда энг кичигимиз — ўғлим Гайбулла 10 ёшда эди. Шундан сўнг рўзгорнинг бор оғирлиги



душман ўқи юлиб кетган бўлса-да, иродаси синмаган Убайдулла исмли жасур йигитнинг оиласидан совчилар кела бошлади. Агроном бўлиб, ер билан тиллашиб, ризқ уруғини экиб, ҳаётини қайтадан барпо этишни истаган Убайдулла Камолов ўзидан анча ёши кичик Мавлудани бир кўришадёқ ёқтириб қолган эди.

Ушанда Мавлудага отаси “Қизим, бу йигитнинг отаси ҳам ҳалол, меҳнаткаш инсон экан. Минг афсуски, икки ўғли урушда бедарак кетибди. Убайдулла эса оиланинг учинчи фарзанди. Агар бизни рози бўлсин, десанг, шу йигитга турмушга чиқ. Кам бўлмайсан. Чунки ёшгина ҳаётини тинчлик йўлида қурбон қилишга тайёр инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Бундай инсонларнинг қалби меҳрга доимо тўла бўлади”, дея тўғри маслаҳат беради. “Ота рози — Худо рози”, дейишган. Буни яхши анлаган ёш Мавлуда эътироз билдирмай, розилик беради.

— Урушдан кейинги даврнинг қийинчиликлари бизни қанчалик қийнамасин, нолимай яшадик. Яримта нонни бутун билиб, бирин-кетин туғилган фарзандларимизни меҳр билан вояга етказишга ҳаракат қилдик, — дея ўтмишни эслади

лар тайёрладим. Аммо негадир онам ҳақида бирорта ҳам лавҳа тайёрламабман. Бу юрагимда армон бўлиб қолган эди. Минг шукр, мана сизлар йўқлаб келибсиз. Бунинг учун миннатдорлик билдираман.

Онам деярли барчамизни бир ўзи ўқитиб, вояга етказишга ҳаракат қилди. Даладаги экин-тикинни сўғоритдан тортиб, йиғиб-териб олишга — барчаси онам ва биз, фарзандларнинг зиммасида эди. Кун бўйи қилган қора меҳнатимиз эвазига баъзан бир коса атала ва бир бурда нон билан қаноат қилган кунларимиз кўп бўлган. Онамиз ҳеч қачон ҳаётдан нолимай, “Шукр қилсанг, баракаси кўпаяди”, дерди. Биз доим яхши кунларга ишониб яшардик. Минг шукр, шундай ёруғ кунларни шу обод дийрда онагоним билан бирга кўриб туришимиз.

Мавлуда она фарзандларига нафақат ҳалол ризқ топиш, балки шукрона, қаноат ва матонат дарсларини ҳам ўргатган ва

Кечиримлилик ва қаноат

Энг қизиги, Мавлуда аянинг қисматга муносабати эътиборга лойиқ. Нега дейсизми? Бир неча йил муқаддам нотўғри қилинган укол сабабли онахоннинг сопа-соғ юриб турган бир оёғи ишламай қолган. Бундай ҳолат ҳар қандай инсонни изтиробга солиши, норозилик уйғотиши табиий, албатта. Аммо онахон буни ҳам пешонасига ёзилган қисмат, Яратганнинг бир синови сифатида қабул қилган. Фарзандлари ва неваралари куйиниб “Бу ноҳақлик-ку, соғлом ҳолингизда юра олмайд қоласизми?” дея ранжиганида онахон “Тана меники, оғриқ ва озор ҳам меники. Қўйинглар, билиб-билмай қилган хатоси учун кимдир жазоланмасин. Бу Худога хуш келмайди”, дебди.

Ҳа, дардини ичига ютиш, айбдорни кечира олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келвермайдиган ва бутун жуда кам учрайдиган улуг фазилатлардан.

Шукр қилсанг, баракаси кўпаяди

Онахоннинг 78 ёшли қизи Малоҳат опа ўтмиш саҳифаларини варақлар экан, бундай хотирлайди:

— Ўзим журналистман. Ўғлим ҳам журналист. Йиллар давомида халқ орасида юриб, турли тақдир эгалари ҳақида лавҳа-

уқтирган. Шу боис, бугун уларнинг ҳар бири ўз йўлини топган баркамол инсонлар бўлиб етишди. Биз бу хонадонда қийинчиликлар ичида ўсган авлоддан шикоят эшитишни эмас, балки меҳнат орқали келадиган шукроналикни ўрганган инсонларнинг ҳаётини ибратларини тингладик.

Навбатдаги манзил

Навбатдаги манзилимиз мазкур туманининг Форобий маҳалласи бўлди. Маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси ҳамроҳлигида Қирғузар кўчасида истиқомат қилувчи 103 ёшли онахон Асия Баширова хонадонига йўл олдик.



Маҳалла раиси йўл-йўлакай кекса авлод вакилларининг борлиги нафақат ўша хонадоннинг, балки бутун маҳалланинг файзу баракаси эканини, “Қариси бор уйнинг париси бор” деган халқ мақоли бежиз айтилмаганини таъкидлаб борди.

Хонадон дарвозаси олдида бизни Асия онанинг 76 ёшли ўғли Борис ака ва рафиқаси кутиб олиб, онахон ўтирган хонага бошлаб кирди. Шинамгина уйнинг бир бурчагидаги диванда ўтирган, жуссаси кичкинагина бўлиб қолган онахон билан кўришар эканмиз, қалбимизда унга ҳурмат туйғуси уйғонди.

Асия она ҳам Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларнинг машаққатини турмуш ўртоғи Маъсуд Баширов билан елкадош бўлиб енгиб ўтган. Ҳарбий соҳада фаолият юритган умр йўлдоши билан борчилик ва йўқчиликни, синов ва сабрни биргалликда бошдан кечирган. Уч фарзандни тарбияли, ўқимишли ва элга нафи тегадиган инсонлар қилиб вояга етказган. Онахоннинг ўзи узоқ йиллар давомида тиббиёт соҳасида меҳнат қилган. Бугун у йигирмадан зиёд невараси, ундан зиёд эвара ва чевараларнинг меҳрибон бувиси.

— Турмуш ўртоғим 49 ёшида юрак хуружидан вафот этди, — дея эслади онахон. — Бир-биримизга суяниб, фарзандлар ва набираларнинг роҳатини бирга кўрамиз, деб ният қилар эдик. Аммо тақдир экан... Фарзандларим отасининг касбини давом эттириб, ҳарбийликни танлади ва она Ватанга садоқат билан хизмат қилиб кам бўлмади. Шукрки, бугун уларнинг роҳатини, юртимиздаги тинчлик ва тўқчиликни, биз — қарияларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромни кўриб, эл эъзозиде яшарман.

Онахоннинг ўғли Борис ака ва келини Раиса опа ҳам 5 фарзанд ҳамда бир кучоқ невараси билан биргаликда 56 йилдан буён аҳил-иноқ умргузаронлик қилиб келаётган намунали оила вакиллари экан.

Бугун Зангиота туманида 4 нафар, бутун Тошкент вилоятида эса 100 ёшдан ошган 43 онахон борлиги, тўғриси, бизни мамнун этди. Янгиланиш ва яшарли фасли бўлиши бахор арафасида асрга тенг умр соҳибалари билан бўлган суҳбатлар қалбимизга нур, кўнглимизга ташкин бағишлади. Ушбу сафаримиз нафақат ижодий вазифа, балки одамлилик сабоғи бўлди.

Зеро, халқимиз доимо нурунийларни эъзозлаб, уларнинг ҳолидан хабар олишни ва дуоларидан баҳраманд бўлишни бурч билган. Инчунин, шукроналик, сабр, қаноат ва яхши ният инсонни коммуналка етақловчи энг олий фазилатлар экани, нурунийларимизнинг борлиги хонадонда фақатгина кексалликни эмас, балки ҳаётга мухаббатни, сабрни, қаноатни ва шукроналик ҳиссини кучайтиришини яна бир бор кўрдик.

Гулиҷеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346.
31346 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй